



№ 294

«04» октябрь 2021у.

**"Hududgazta`minot" Акциядорлик жамиятида товарлар, ишлар ва хизматлар давлат харидларини амалга оширишда, харидлар шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 майдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЗРУ-684-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги "Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5171-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг товарлар (ишлар, хизматлар) давлат харидини амалга оширилишига доир қарор ва фармонлари талабларини ижросини таъминлаш ҳамда "Hududgazta`minot" акциядорлик жамиятининг давлат хариди тизимини янада такомиллаштириш ҳамда коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш, шунингдек, жамият таркибий ташкилотлари ва корхоналарини ишлаб чиқариш жараёнларида зарур бўладиган моддий-техник ресурслар, ишлар ва хизматлар билан узликсиз ва ўз вақтида таъминлаш мақсадида,

### БУЮРАМАН:

1. "Hududgazta`minot" АЖ марказий аппарати, таркибий ташкилот ва корхоналари эҳтиёжлари учун товарлар, ишлар ва хизматлар барча давлат харидлари ушбу буйруқ билан белгиланган тартиблар асосида қонунчилик талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.
2. Қуйидагилар:
  - "Hududgazta`minot" АЖ товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;
  - "Hududgazta`minot" АЖ Эксперт-техник комиссияси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;
  - "Hududgazta`minot" АЖ Эксперт-техник комиссиясиси таркиби 3-иловага мувофиқ;
  - "Hududgazta`minot" АЖ энг яхши таклифларни танлашни ўтказадиган харид комиссияси фаолияти тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;
  - "Hududgazta`minot" АЖ энг яхши таклифларни танлашни ўтказадиган харид комиссияси таркиби 5-иловага мувофиқ;
  - "Hududgazta`minot" АЖ тендер ўтказиш бўйича харид комиссияси фаолияти тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ;



“Hududgazta`minot” АЖ товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилиш (шартномаларни тайёрлаш, тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва имзолаш) бўйича шартномаларни расмийлаштириш ишлари тўғрисида **Низом** 11-иловага мувофиқ **тасдиқлансин.**

3. Давлат буюрмачиси сифатида харидларни амалга оширувчи Жамият таркибидаги корхона ва ташкилотларида давлат харидлари жараёнида қуйидагилар:

агар иштирокчининг ва (ёки) ушбу иштирокчи ваколатли вакилининг яқин қариндошлари ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлса, шунингдек давлат буюртмачисининг ёки у томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотнинг вакили бўлса, иштирокчининг давлат харидларида иштирок этиши;

иштирокчиларни камситишга, бошқа иштирокчиларга зарар етказган ҳолда бир иштирокчига имтиёзлар ёки преференциялар тақдим этиш, бундан қонун ҳужжатларда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

манфаатлар тўқнашуви;

давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли бўлмаган усулларини қонунга хилоф равишда танлашга, давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказишга, давлат харидларида иштирокчиларнинг иштирок этиши тўғрисидаги ахборотни ошкор этишга, уларнинг сонини асосиз равишда чеклашга ёки уларнинг малакасига қўйилган талабларни оширишга, рақобатга йўл қўймасликнинг, уни чеклашнинг ёки бартараф этишнинг бошқа шакллари;

давлат харидлари ўтказилиши тўғрисидаги эълоннинг матнига иштирокчилар ўртасида рақобатни чеклайдиган қонунга хилоф талабларни киритиш;

нархларни ёки иштирокчиларни саралаш натижаларини бузиб кўрсатиш мақсадида иштирокчиларнинг олдиндан тил бириктириши;

ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этишга ёки тарқатишга, шунингдек давлат харидлари тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни асосиз равишда чеклаш;

давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатга асосланган усулларини четлаб ўтиш мақсадида давлат харидлари ҳажмини қисмларга бўлиб ташлаш;

давлат хариди таркибига технологик ва функционал жиҳатдан ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) киритиш;

фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупциянинг намоён бўлиши;

молиялаштириш манбалари ва миқдорлари мавжудлиги тўғрисида тасдиқларга эга бўлмаган ёки ажратилган маблағлар ҳажмидан ортиқ миқдордаги давлат харидларини амалга ошириш **қаттиян тақиқланади.**

4. “Hududgazta`minot” АЖнинг 2019 йил 11 октябрдаги 53-сонли, 2020 йил 23 январдаги 34-сонли ва 2021 йил 1 июлдаги 174-сонли буйруқлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Девонхона (Каримова) ушбу буйруқни Жамиятнинг бошқарма ва бўлимлари ҳамда қуйи тизим корхона ва ташкилотларига етказилишини таъминласин.

6. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Бошқарув раисининг фаолият йўналишлари бўйича ўринбосарлари зиммаларига юклатилади.

Бошқарув раиси

*и.м.р.*  
*асиё*  
Б. Эшмуратов

